
ФАРҒОНАДА “ЯНГИ НАФАС” ОММАВИЙ ЮГУРИШ МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Бугун эрта тонгда мамлакатимизнинг 16 шаҳрида, шу жумладан, Фарғонада Олимпия куни, Болаларни ҳимоя қилиш куни ва Ёшлар кунига бағишланган “Янги Нафас” оммавий югуриш мусобақалари бўлиб ўтди. Мусобақада жами 3000 нафардан зиёд ёшлар, кексалар ҳамда жисмоний имконияти чекланган шахслар қатнашдилар.

Вилоят театр ва концерт саройи олд саҳнасида мусобақа ғолиблари ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди.

Мусобақанинг ҳаваскорлар ўртасида эркаклар баҳсида Отабек Абдулҳақов, аёллардан эса Чарос Комилова 1-ўринни эгалладилар.

Профессионал спортчилар ўртасидаги эркаклар мусобақасида Рухшод Маъмуров, аёллар ўртасида Моҳинабону Комилова ғолиб бўлдилар.

Жисмоний имконияти чекланган шахслар ўртасида Насриддинхўжа Аҳмадхўжаев ҳамда Камола Расулова ғолибликни қўлга киритдилар.

Абдулҳаёт Умаров ва Гулнора Имомова мусобақанинг энг фаол иштирокчилари сифатида эътироф этилди.

Ғолиб ва совриндорларга вилоят ҳокимлиги, вилоят спорт бошқармасининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-06-29 12:31:16